

<b>Мавзу</b>	<b>Пармаларнинг турлари ва конструкциясини ўрганиш</b>
--------------	--

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<b>Машгулот вақти - 2 соат</b>	Талабалар сони: 12 – 15 гача
<b>Машгулот шакли</b>	Лаборатория
<b>Лаборатория режаси</b>	1. Пармалаш жараёни ва парма турлари 2. Спиралсимон парма элементлари
<b>Ўқув машгулотининг мақсади</b> Пармалаш жараёни, парма турлари ва спиралсимон парманинг конструкциясини ўрганиш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Пармалаш жараёни ва парма турларини ўргатади</li> <li>• Спиралсимон парма элементлари тўғрисида маълумот бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Пармалаш жараёни ва парма турлари билан танишиб оладилар</li> <li>• Спиралсимон парма элементлари тўғрисида маълумот оладилар.</li> </ul>
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Лаборатория машгулоти, “Инсерт” технологияси.
<b>Таълим бериш шакллари</b>	Оммавий, жамоавий
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор
<b>Таълим бериш шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. «Пармаларнинг турлари ва конструкциясини ўрганиш»  
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаб қўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Лаборатория машғулотининг мавзусини айтади ва мавзу режаси билан таништиради. (1-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</b>
	1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</b>
	1.3. Асосий адабиётлар рўйхатини тавсия этади. (3-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Пармалаш жараёни ва парма турларини Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш билан маълумот беради (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Спиралсимон парма элементлари тўғрисида Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш билан маълумот беради (5-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Инсерт” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Кўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун “Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материалини ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</b>